

Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам)га карши харакат килган ва у Зотга итоат этишни истамаган кимсаларнинг окибати Куръонда кандай билдирилган?

Жавоб

«Сени, албатта, уларнинг айтаётганлари хафа килишини яхши биламиз. Улар сени ёлгончига чиқараётганлари йўқ, балки золимлар Аллохнинг оятларини инкор килмокдалар. Сендан олдин ҳам пайгамбарлар ёлгончига чиқарилганлар. Бас, улар то нусрат келгунча ёлгончига чиқарилганларига ва берилган озорларга сабр килганлар. Аллохнинг сўзларини ўзгартирувчи йўқ. Батахкик, сенга пайгамбарларнинг хабари келган. Агар сенга уларнинг юз ўгиришлари огир ботаётган бўлса, кодир бўлсанг, ер остидан йўл килиб ёки осмонга нарвон кўйиб, уларга оят-мўъжиза келтир. Аллох хохлаганида, уларни хидоятга жамларди. Харгиз жохиллардан бўлма» (Анъом, 33, 34, 35).

«Агар сени ёлгончи килаётган бўлсалар, бас, булардан олдин Нух кавми, Од ва Самуд ҳам ёлгончи килган эдилар. Иброхим кавми, Лут кавми. Мадян эгалари ҳам. Ва Мусо ҳам ёлгончи килинди. Мен кофирларга бир оз мухлат бердим, сўнгра уларни тутдим. Бас, Менинг инкорим кандок бўлди?! Канчадан-канча шахар-кишлоқларни зулм килгувчи бўлган холида халок этдик. Бас, улар (хозирда) шифтлари кулаган, ташландик кудук, (хувиллаган) юксак каср (холидадир). Ахир, ер юзида айланиб юрмайдилармики, уларга ақл этадиган калблар, эшитадиган кулоқлар бўлсин. Зеро, кўзлар кўр бўлмас, кўксилардаги калблар кўр бўлур. Улар сендан азобнинг тезрок келишини сўрарлар.

